

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ



**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ХОДИМЛАРИНИ
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
РЕСПУБЛИКА ЎҚУВ-МЕТОДИКА МАРКАЗИ**

**Мактабгача таълим муассасаларида
тарбиячиларнинг педагогик
фаолиятларини кузатиш
мезонлари**

Тошкент-2015

Кириш

“Бугунги куннинг энг муҳим вазифаси - ҳаётимизнинг барча соҳаларида, айниқса.....т а ъ л и м д а янгича фикрлайдиган, қийин дамларда маъсулиятни ўз зиммасига ола биладиган, ҳаёт билан ҳамқадам юришга қодир, иймонли билимдон, ташаббускор, ишбилармон раҳбарни топиб, унга ишонч билдиришдан иборатдир”.

Ислом Каримов

Мамлақатимизнинг эртанги куни, келажак тараққиёти биринчи галда, фарзандларимизнинг жисмоний, интелектуал салоҳияти ва маънавий камолоти билан ўлчанади. Мактабгача таълим муассасаси раҳбарининг таълим - тарбия жараёнини тўғри ташкил қилишда маъсулияти бекиёсdir.

Тарбиячиларнинг мактабгача таълим муассасасида таълим –тарбия жараёнини ташкил этиш, уларнинг методик салоҳиятини ошириш, маълум йўналишдаги фаолиятини таҳлил қилиш, ёш педагогларга методик ёрдам кўрсатиш, мактабгача таълим тизимида таълим тарбия жараёнини кузатиш, таҳлил қилиш ишларини тўғри ташкил этиши бугунги кун талабидир.

Педагогик жараённи кузатиш ва таҳлил қилишнинг асосий мақсади педагогларга амалий методик ёрдам бериш, унинг маъсулиятини ошириш машғулотларнинг самарадорлигига эришишдан иборатдир.

Педагогик жараённи кузатиш ва таҳлил қилиш қўйидаги педагогик жараёнларда олиб борилади:

1. Кун тартибини кузатиш жараёни бўйича мезонлар.
2. МТМ машғулотларини кузатиш бўйича мезонлар.
3. Турли кўрик танловлар бўйича мезонлар

Педагогик жараённи кузатиш ва таҳлил қилиш асосидаги мезонлар тарбиячиларнинг педагогик фаолиятига баҳо беради, таълим-тарбия жараёнини “Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари” асосида ташкил этиш, тарбиячиларга амалий – методик маслаҳатлар беришда кўмаклашади, маҳоратли, ўз ишининг устаси бўлган тарбиячиларни рағбатлантиради.

Мактабгача таълим муассасаси раҳбари ва методисти томонидан бир ҳафтада иккита машғулот, иккита фаолият тури кузатилиши лозим. Баҳолаш 100 баллик тизимда олиб борилади. Ҳар бир мезонга 10 баллдан баҳо қўйилади.

Педагогик жараённи кузатиш натижалари ҳар ойда камида бир марта таълимнинг бошқарув идоралари раҳбарлари (халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимлари мактабгача

таълим методистлари) томонидан ўрганилиб, ишлаб чиқариш йиғилишларида мұхокама қилиниши ва учраган камчиликларни бартараф этиш мақсадида таклиф ва мулоҳазалар берилиши тавсия этилади.

Педагогик жараённи кузатиш натижалари таълимнинг бошқарув органлари архивида З йилгача сақланиши лозим.

Мактабгача таълим муассасалари ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш республика ўқув-методика Маркази ушбу методик қўлланмани мактабгача таълим муассасаси раҳбарлари ва методистларига тарбиячиларнинг педагогик жараённи кузатиш ва таҳлил қилишда амалий ёрдам сифатида тарбиячиларнинг иш фаолияти жараёни бўйича мезонлар мавзусида методик тавсияни ҳавола этмоқда. Муассаса раҳбарлари ва Методистлари ушбу методик тавсияга ижодий ёндошиб иш олиб боришлари тавсия этилади.

Эрталабки соатни ташкил этиш самарадорлик даражасини ўрганиш

Машғұлотни ташкил этиш самарадорлик даражасини ўрганиш

Сайрни ташкил этиш самарадорлик даражасини ўрганиш

Күннинг 2-ярмини ташкил этиш самарадорлик даражасини ўрганиш

Ўйин фаолиятини ташкил этиш самарадорлик даражасини ўрганиш

Гурухларда ўйин фаолиятининг самарадорлик даражасини ўрганиш

Мехнат фаолиятини ташкил этиш самарадорлик даражасини ўрганиш

“Энг намунали гурӯҳ ҳонаси” бўйича тарбиячиларнинг фаолияти таҳлили

“Энг баҳаво ўйин майдончаси” танлови мезонлари

“Жонли табиат бурчаги” жиҳозланиши ва ундан фойдаланиш

Ўқув йили якуни бўйича муассаса тарбиячиларининг фаолияти таҳлили

ZBEKISTON RESPUBLIKASI
XALQ TA'LIMI VAZIRLIGI
Maktabgacha ta'lim muassasalari xodimlarini
qayta tayyorlash va malakasini oshirish
Respublika o'quv-metodika Markazi
100095, Toshkent sh. Ziyo ko'chasi-6
Tel/faks: 246-98-04
E-mail: mtm_markaz@xtv.uz
mtm-markaz@mail.ru



МИНИСТЕРСТВО НАРОДНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН
Республиканский учебно-методический
центр переподготовки и повышения
квалификации работников дошкольных
образовательных учреждений
100095, г. Ташкент улица Зиё -6
Тел.(факс): 246-98-04
E-mail : mtm_markaz@xtv.uz

— ” 2014 йил

— - сонли

Б У Й Р У К

Мактабгача таълим муассасалари педагог
ходимлариниг касбий маҳоратини баҳолаш
мезонларини ишлаб чиқиш тўғрисида

Мактабгача таълим муассасалари педагог ходимларининг таълим муассасаларида таълим-тарбиявий ишларни самарали ташкил этишдаги касбий маҳоратини педагогик жараённинг ҳар бир фаолият турини тўғри ташкил этиш, педагогик технологиялар, замонавий интерфаол усуслардан фойдаланишларини самарали натижаларини белгилаш, тарбиячиларнинг ўз устида ишларни тартибига солиш ва мутахассисларнинг касбий маҳоратини ҳамда педагог кадрларнинг илмий салоҳиятини оширишга қўмаклашиш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н:

1. Мактабгача таълим муассасалари педагог ходимларинег касбий маҳоратини баҳолаш бўйича мезон ишлаб чиқиш бўйича ишчи гурух аъзолари иловага асосан тасдиқлансин.

2. Ишчи гурух аъзоларига:
жорий йилнинг 10 июня кадар мактабгача таълим муассасалари педагог ходимларнинг касбий маҳоратини баҳолаш бўйича мезонларини ишлаб чиқиш;

Мактабгача таълим муассасалари педагог ходимларининг касбий маҳоратини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиша педагогларнинг таълим сифати мониторинги, мутахассислик савияси, касбий салоҳияти ва педагог маҳоратидаги бўшлиқларни аниқлашга алоҳида эътиборга олиш;

педагогнинг мутахассислик савияси, касбий салоҳияти ва педагогик маҳоратидаги аниқланган бўшлиқлар ҳамда педагогнинг малака оширишга бўлган шахсий эҳтиёjlари асосида педагогнинг шахсий малака ошириш дастурини шакллантириш бўйича тавсия бериш;

методист, амалиётчилар томонидан тақриз олиш Марказнинг навбатдаги Илмий-методик кенгаши муҳокамасига тақдим этиш вазифалари юклатилсин.

3. Ушбу буйруқни ижросини назорат қилиш ўқув ишлар бўйича директор ўринbosари З.Рахимова ва илмий-методик ишлар бўйича директор ўринbosари М.Рустамовалар зиммасига юклатилсин.

Марказ директори

М.Н.Аъзамова

